

## ЭШИТИШИДА НУҚСОНИ БЎЛГАН БОЛАЛАРДА ПСИХОМОТОР ТАРБИЯНИНГ ЎРНИ ВА УСУЛЛАРИ

М.Р.Пўлатхўжаева  
Низомий номидаги ЎМПУ доценти

Анорова А.  
4 -курс талабаси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.20338903>

### Аннотация

Ушбу мақолада, эшитишида нуқсони бўлган болаларда психомотор тарбиянинг ўрни ва усуллари, эшитишида муаммоси бўлган болаларни ўзига хос хусусиятлари ёртилган. Эшитишида муаммоси бўлган болаларни уй шароитида нутқини ривожлантириш йўллари, комплекс ёндошув, шунингдек ривожланишда нуқсони бор болаларнинг майда мушак моторикасини ривожланишга оид тавсиялар ва оилада тарбиялаш ва ривожлантириш муаммолари ёритилган.

Эшитишида нуқсони бўлган болаларни психомотор тарбияси оила шароитида энг муҳим бўлган нутқ фаолиятини ривожлантириш йўллари, комплекс ёндошув, шунингдек ривожланишда нуқсони бор болаларнинг асаб-руҳий системасининг ривожланишга оид тавсиялар XVIII – XIX асрларда, ўқитувчилар ўз эътиборини оилада қар болани эрта ўқитиш зарурлиги масаласига қаратдилар.

Болаларда психомотор фаолиятни яъни, нутқини ривожлантириш учун, оилада нутқ муҳитини яратиш, нутқни эшитиш фаолиятини ривожлантириш учун тўғри танланган эшитиш воситаларини ишлатиш, зарур асос бўлиб хизмат қилади (нутқни эшитиш-кўриш қобилияти, сўз бойлигини ошириш, мулоқот фаолиятлари, талаффузни шакллантириш), қар болаларни соғлом эшитиш қобилиятига эга бўлганлар муҳитига эртароқ киритиш учун шароит яратишга имкон беради. Болалар билан индивидуал иш сурдпедагоглар томонидан ушбу техникани яхши билган ҳолда амалга оширилади. Ҳамиша шуни таъкидлаш керакки, эшитиш фаолияти паст бўлган болани ўқитиш ва тарбиялашда ота-оналар, яқин қариндошлар ва атрофдагилар асосий ролни ўйнайдилар, ўқитувчи эса фақат оилага тўғри йўл кўрсатади ва ёрдам беради. Албатта, бу катта масъулият ва ота-онанинг кўп вақтини, меҳнатини ва сабр-тоқатини талаб қилади.

Эшитишида нуқсони бўлган болалар тарбиясининг асосий мақсади - бу болани ота-оналар ва катталарнинг ҳақиқий ҳаётига бевосита киритиш. Ушбу таълимнинг энг зарур тамойиллари:

- болаларнинг саломатлигини ва ҳар томонлама жисмоний-руҳий ривожланишига ғамхўрлик қилиш: чидамлилик ва сабр-тоқатни тарбиялаш;
- уларнинг ахлоқий тарбияси тўғрисида ғамхўрлик қилиш, бу уларга ўз ҳалқининг барча ижобий ахлоқий меъёрлари ва фазилатларини сингдиришни назарда тутати;
- болаларнинг экологик маданиятига ғамхўрлик қилиш, яъни атроф-муҳит, унинг бойликлари ва унда яшаш усуллари тўғрисида тўпланган билимларни бериш;

- меҳнатга тайёргарлик, меҳнат кўникмаларини ўргатиш, уй хўжаликларини бошқариш қобилияти;

- ақл ва шошилмасдан ҳукм чикариш фазилатларини шакллантириш ва ривожлантириш .

Ҳозирги жадал ҳаёт тарзи ахборотнинг кўпайиши одамни ёшлигида ташқи дунё ҳақидаги жуда кўп маълумотни ўзлаштиришга мажбур қилади, бу эса ўз навбатида болани чарчаш ва катта психологик мантиқий беқарорликка олиб келади. Янги ҳаёт ота-онадан болани ҳар томонлама ахлоқий, психологик ва жисмоний чиниқтиришни талаб қилади, бу эса унинг ҳар хил ахлоқий, психологик, ҳарорат ва бошқа атроф-муҳит таъсирларига нисбатан барқарорлигини оширади.

**Эшитишида нуқсонни бўлган болаларга ҳар томонлама ёндошувнинг мақсадлари**

1. Эшитишида ногиронлиги бўлганлар жамиятда муваффақиятли интеграциялашуви бўйича реабилитацияси ва сифатли ўқитилиши.

2. Болалар боғчаси-мактаб-олий ўқув юртлари тизимидаги реабилитация-таълим жараёнлари, шунингдек турли соҳалар бўйича олий ўқув юртлари, коллеж ва билим юртларидаги касбий таълимни мувоффақиятлаштириш.

3. Ўқитишнинг ҳар бир, болалар боғчаси-мактаб- коллеж-олий ўқув юрти босқичида изчиллик ва касбий йўналтириш, мослаштириш ва ўқитишни яратиш.

4. Эшитиш қобилияти бузилган фарзандлари бор ота-оналарга психологик ёрдамни кўрсатиш. Маслаҳатлар ўтказиш.

Шубҳасиз, ушбу тизим, эшитишида нуқсонни бўлган болаларнинг касбий йўналтирилиш ва психологик ёрдам кўрсатган ҳолда ушбу тоифадаги болаларнинг таълим муаммоларини хал қилади. Аммо, амалиёт кўрсатмоқдаки, ота-оналар билан ишлашни фақатгина маслаҳатлар билан чеклашнинг ўзи етарли эмас. Бу ерда эшитишда нуқсонни бўлган болаларнинг ота-оналари билан тиббий-психологик-педагогик ишлашнинг долзарб масалаларига етарлича эътибор берилмайди, оила билан ўзаро ҳаракат қилмаган ҳолда бундай боланинг тўлақонли реабилитацияси ва жамиятга интеграциялашувини тасаввур қилиш қийин ва бунинг имкони йўқ. Шундай ҳолатлар ҳам учраб турадики, баъзан ота-она, шифокорлар ёки ўқитувчилар қўйидаги сабабларга кўра сезмаслиги мумкин:

1. Бола эшитиш қобилияти пасайганини сезмаслиги ва бундан шикоят қилмаслиги мумкин.

2. Эшитиш қобилияти пасайганининг очиқ белгилари бўлмаслиги мумкин.

3. Эшитиш қобилияти пасайиши ўтиб кетувчи бўлиши мумкин (ўрта қулоқнинг инфекцион касаллиги даврида) ёки сурункали инфекция натижасида вақт ўтиши билан ривожланиши мумкин.

**Эшитиш қобилияти пасайиши қандай белгиларда намоён бўлади:**

Эмизикли болаларда:

- Бола атрофда юзага келувчи баланд овозлардан уйғонмайди.

- Овоз қабул қилишнинг умумий қобилияти намоён бўлмаслиги.
  - Бола олти ойлигида овоз манбаига эътибор қаратмаслиги.
  - Бола тўрт ойлигида кўп ҳам бақирмайди, овоз чиқармайди.
- Бола атрофидагиларга сўз билан эмас, юз ифодаси билан жавоб қайтаради.  
2-4 ёшдаги болаларда (юришни бошлаган бола):

Ўн беш ойлигидан сўнг бола ўз истакларини сўзга нисбатан имо-ишоралар билан ифодалаши.

Визуал, ишоралар ва ҳаракатлар орқали мулоқот қилишга юқори тайёрланганлик;

Бола сўзларни талаффуз қилишда қийналса.

Бола икки ёшлигида унинг гапларининг ярмидан камроғи бегона одамлар учун тушунарли бўлса.

Мактабгача ёшдаги болаларда:

Бола одамларга нисбатан кўпроқ предметларга қизиққон.

Ўзига ва ўз эҳтиёжларига эътиборни тортиш учун инжиқлик қилади.

Уч ёшда болаларнинг 25 фоизидан ортиғи бегона одамлар учун тушунарсиз бўлишади.

Тўрт ёшда бегона одамлар болаларнинг нутқини қисман тушунишади.

Мактаб ёшидаги болалар.

Болада уятчанлик, бегонасираш пайдо бўлади.

Бола ўзини бахтсиз ҳис қилиши, ижтимоий мулоқотлардан ўзини олиб қочиши мумкин.

Бола атрофидагилар учун ёпиқ бўлиши ёки жуда эътиборсиз бўлиши мумкин.

Боланинг дарсларни ўзлаштиришида муаммолар бўлиши мумкин, сабаби у машғулотларни имконияти даражасидан паст даражада бажаради.

Ўзини тутиш моделлари: қайсар, инжиқ ва шубҳали.

Одатда сўзни қайтаришни сўрайди ёки нотўғри жавоб беради. Боланинг нутқида муаммолар юзага келади.

Ҳурматли ота-оналар, болаларингизни уларнинг қулоғида оғриқ бўлиши ёки эшитиш қобилияти пасайишининг ҳар қандай ҳолати ҳақида сизга хабар беришини рағбатлантириб боринг.

**Болаларнинг асабийлашиши профилактикаси.**

Болаларнинг ёшлигида ва мактабгача таълим ёшига кирганида асаб-руҳий фаолияти фаол тарзда шаклланиш босқичида бўлади. Агар боланинг асаб-руҳияти шаклланиши учун мақбул шароитлар мавжуд бўлмаса, юқори асаб фаолиятида бузилишлар содир бўлиши мумкин. Бундай бузилишлар биринчи навбатда боланинг номақбул ҳаракатларида намоён бўлади.

Катталардан нотўғри муносабат бўлганида болаларнинг номаъқул ҳаракатлари янада мустаҳкамланиб, барқарор характер касб этади, невроз ҳолатлари юзага келади. Бундай ҳолатда психоневролог ёки психиатр белгилайдиган даволаниш талаб этилади. Агар бола даволанмаса, бир қатор ҳолатларда бундай неврозлар боланинг шахс психопатия сифатида шаклланишидаги нуқсонларни келтириб чиқаради.

### **Ҳаракат кўникмалари бузилиши.**

Боланинг нормал ҳатти-ҳаракатлари атроф-муҳитга фаол, ижобий муносабатда намоён бўлади. Бола атрофда содир бўлаётган ҳамма нарсага қизиққон, катталар билан тезда мулоқотга киришувчан, ўзи мустақил ёки бошқа болалар билан ўйнайдиган бўлади. Боладан, айниқса унинг ёшилигида унинг ҳаракатлари ҳар томонлама мақбул бўлишини талаб қилмаслик керак. Унинг мияси ривожланмаганлиги ва функцияларининг мукаммал ҳолатга келмаганлиги айрим ҳаракатларининг барқарор бўлмаслигига олиб келади. Ёш бола учун бундай ҳаракатлар табиий ҳисобланади. Масалан, ўйин билан банд бўлганда бола овқатланишга ёки ухлашга чақирганда тезда бунга аҳамият бермаслиги мумкин. Ундан қўғирчоғи олиб қўйилганда йиғлаб юбориши мумкин. Бироқ, бундай жавоб реакциялари вақтинчалик бўлиб, уларнинг келиб чиқиш сабабини изоҳлаш осон.

**Номаъқул ҳаракат шакллари.** Боланинг салбий руҳий аҳволдаги ҳаракатларини номақбул ҳаракатлар деб баҳолаш мумкин.

Номақбул жавоб реакцияларига қуйидагилар киради.

Қайсарлик, яъни катталарнинг асосли талабларига бўйсунмаслик. Масалан, бола оч ёки уйқуси келган бўлсада, овқатланиш ёки ухлашдан қайсарлик билан бош тортиши, кир бўлган қўлларини ювишдан, совқотган бўлсада, иссиқ кийим кийишдан бош тортиши ва бошқалар.

Инжиқликлар, масалан, бола ниманидир хоҳлаётганини айтса, лекин шу истагини қаноатлантириш жараёнида ундан воз кечса.

Асосланмаган йиғи, болада майда сабаблар натижасида кузатилса.

Тарбиячи билан мулоқотга киришишдан бош тортиш, болани гапга тутиш, ўзига ижобий муносабатда бўлишга ҳаракатлар натижа бермаса.

Бошқа болалар билан мулоқотга киришишдан бош тортиш, бола бошқа болалардан алоҳида бўлишга интилса, болалардан четда ёлғиз ўзи ўйнаса, ёнига болалар келганда йиғласа, улардан юз бурса, улар билан гапирмаса, болалар билан жамоавий ўйинлар ва машғулотларда қатнашишни хоҳламаса.

Ҳаракатнинг ўта фаоллиги – бола жуда ҳаракатчан, қайсидир ишга диққатини жамлай олмаса, бир предметдан бошқасига тез ўтиб кетса, машғулотлар ва ўйинлар давомида диққатини барқарор жамлай олмаса, бошқа болаларга ўйнашга халақит берса, агрессив бўлса, бошқа болаларни турткиласа ва урса, бақириб, ўйинчоқларини олиб қўйса.

Номаъқул ҳаракат шаклларини қандай қилиб йўқотиш мумкин.

Номаъқул ҳаракат шаклларини йўқотишга қанчалик тез киришилса, шунча яхши натижаларга эришиш мумкин. Бироқ, бунинг учун шифокор билан маслаҳатлашиб, боланинг соғлиғи қай аҳволда эканини билиш лозим. Болада инжиқлик ва қайсарликлар кузатилганда хотиржам бўлиш, болага яхши муносабатда бўлиш, хаёлини бошқа нарсага жалб қилиш ва номақбул ҳаракатларини рағбатлантирмаслик, жазоламаслик керак. Бола билан вақтинча мулоқотга киришилмаса, катталарнинг бу реакцияси болага қизиқ бўлмайди ва у инжиқлик қилади. Кўп йиғлаш ҳолатларида боланинг эътиборини тортиб, уни болалар билан ўйинларга жалб қилиш, ўзи мустақил бажариши учун топшириқлар бериш керак.

Харакатнинг ўта фаоллигида болани аниқ мақсадли ишлаш билан боғлиқ машғулотларга жалб қилиш, бунда болага ижобий муносабатда бўлиш, қизиқишини рағбатлантириш керак. Унинг ҳаракати фаоллигини диққатини жамлаш билан боғлаш ва шу билан унинг ҳаракатлари барқарор бўлишини таъминлаш керак. Агар бола агрессив бўлса, биринчи навбатда бундай ҳолатнинг сабабларини аниқлаш керак. Бундай ҳолатда болани ҳар доим кузатиб бориш, у билан индивидуал шуғулланиш, у учун қизиқ машғулотлар бериш, мақсадли ўйинлар ёки қандайдир иш билан машғул бўлишини таъминлаш керак.

### **Ривожланишда нуқсони бор болаларнинг майда мушак моторикасини ривожланиши**

1. Болага шаффоф идиш беринг (масалан, учи ингичка шиша) ва унга қандай қилиб майда предметни солишни кўрсатинг. Идишни айлантирганда предмет тушиб кетишини кўрсатинг. Сўнг боладан шуни ўзи бажаришини сўранг.

2. Болага катта бўлмаган баландликдан копток ёки ҳаво шарини улоқтиришни ва унинг ҳаводаги ҳаракатини кузатишни айтинг. Бунда қайси предмет биринчи бўлиб пастга тушишини сўрасангиз бу машғулотни ўйин сифатида ўтказиш мумкин.

3. Болани ишга туширганда ҳаракатга келадиган жисмлар билан таништиринг ва нима бўлаётганини тушунтиринг. Кейин болага ўзи уриниб кўриши учун беринг.

4. Боланинг олдига идиш, масалан, пластик челақ қўйинг. Сўнг унинг ёнига майда предметларни қўйиб, боладан уларни идишга солишни сўранг. Бу боланинг маълум сўзларни ўрганиши ва жисмларни идишга солиш ва унда олишни ўргатади.

5. Боладан майда рангли предметларни шаффоф пластик идишга солишни сўранг. Кейин идишни чайқаганда предметлар идишнинг ичида қандай ҳаракатланганини ва овоз чиқаришини кўрсатинг. Худди шуни яна битта идиш ёрдамида бажариб, жисмларни турли идишларга тақсимлашни кўрсатиш мумкин.

6. Бола жисмлар билан ўйнашни ўрганганида доскага кесилган турли шаклларни (айлана, квадрат, тўғри тўртбурчак) жойлаштиришни бошласа бўлади. Монтессори материалида бундай махсус доскалар ҳақида ёзилган (Монтессори билан машғулотлар китобига қаранг, Рига – Москва, 1996 йил).

Аввал болага қандай қилиб доскадан қайсидир шаклни олишни кўрсатинг, сўнг боладан шуни бажаришни сўранг. Муваффақиятли бажаргани учун уни мақтанг. Агар у нима қилишни билмаса, унга кўрсатинг.

7. Узун маржон ёки занжир олинг ва боланинг олдида уни бир учидан ушлаб чўзинг. Боланинг олдига майда идиш қўйинг ва маржонларни унга солишни сўранг. Агар бола буни бажаролмаса, болага маржонлар қандай қилиб йиғишни ёки бир учини кўтариб идишга солишни кўрсатинг. Бу машғулотни учи ингичка пластик шиша билан, маржонлар ўрнига қоғоз бўлаклари билан бажарса бўлади.

8. Шақилдоқ арқонга боғланган. Катта одам шақилдоқни бола томонга узатиб, уни ушлашни сўрайди. Бола уни ушлаши ва овоз чиқариши учун чайқатиши керак.

9. Боланинг ёнида майда жисмлар (тугмалар, мозаика, тошчалар) ва кичикроқ идиш ётибди. Катта одам қандай қилиб бир неча жисмларни олиб, идишга солишни кўрсатади. Сўнг боладан шуни бажариш сўралади. Боланинг олдига стол устига эшикча қўйилади ва турли айлана жисмларни ундан ўтказиш сўралади.

Агар бола бу машғулоти тушунмаса, катта одам уни қандай қилиб бажаришни кўрсатади. Бунда шарларни кичкина тарновчага жойлаб, у орқали идишга киришини кўрсатиш мумкин.

Ушбу машғулотларни муваффақиятли бажаргандан кейин пирамидани қуришни бошлаш мумкин. Бу машғулоти аста-секин мураккаблаштириб бориш мумкин.

10. Бола пирамидаларни тайёрлашни ўргангандан кейин унга турли шакллар ва ҳажмлардаги қутичаларни очиш ва ёпишни ўргатиш мумкин. Дастлаб болага турли шаклдаги қутичаларни бериб, уларни қопқоғини ёпишни сўранг (дастлаб қопқоғи қандай очилиши ва ёпилишини кўрсатиб). Сўнг бу машғулоти турли шакл, ҳажм ва рангдаги қутичалар билан давом эттириш мумкин.

11. Такрорловчи ҳаракатлар. Катта одам маълум ҳаракатларни кўрсатиб, боладан уларни бажаришни сўрайди: масалан, кафтни муштга сиқиш, муштни столга қўйиш, столни уриш, стол устига сакраш (қурбақа усулида), қўлларни елка кенглигида очиш (фонарлар), стол устида икки бармоқлар билан юриш (марш юриш), икки бармоқда сакраш мумкин.

12. Бармоқларни ривожлантириш учун болага кичик пианинога алоҳида бармоқлар билан ўйнашни ўргатиш мумкин.

### **Foydalanilgan adabiyotlar:**

1. Янн П.А. Воспитание и обучение глухого ребенка. Сурдопедагогика как наука (пер. с немецкого). М.: 2003.
2. Шматко Н.Д., Пельмская Т.В. Если малыш не слышит. Кн. для воспитателей и родителей. М.: Просвещение, 1995.
3. Кардаш Яна Александровна “Педагогическое взаимодействие коррекционного учреждения и семьи в реабилитации детей с нарушением слуха” диссертация Екатеринбург-2005
4. Ляпидевский С.С. Невропатология. Естественно-научные основы специальной педагогики: Учеб. для студ. высш. учеб. заведений / Под ред. В.И. Селиверстова - М.: Гуманит. изд. центр ВЛАДОС, 2000. — 384 с. — (Коррекционная педагогика)
5. Кошелева Л.Н. Социально-педагогическая адаптация детей с ограниченными возможностями. Дисс. ... канд. пед. наук. - Сургут, 1998.